Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
25 апрель
ЧОРШАНБА
№ 33 (13086)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## «ОЛОВЛАРДА ҚОЛГАН ЎН САККИЗ ЁШИМ...»

*Бўкалик Кенжа Рўзматов 1943 йилнинг январида қўлига ҳарбий хизмат повесткасини олганида эндигина мўйлаби сабза урган, қони гупирган, қалби орзу-ҳавасга тўла ўн саккиз ёшли йигитча эди. Тақдир уни ҳаётнинг аёвсиз синовларига рўбарў қилди, навқирон ёшида қўлига қурол тутқазди.*

### Мардлик, бурч ва садоқат

Кенжа ботир шу пайтгача уруш нималигини билмай ўсган бўлса-да, жангу жадалга киришар экан, ёвга қарши туриб, унинг босқинини тўхтатишга ҳисса қўшиш, шу орқали, душман қадамини ўзи туғилиб ўсган ватанидан узоқроқ жойларда кесишни мақсад қилганди.

Болалигидан меҳнатда чиниққан, жисмонан бақувват, уқувли ва мақсади йўлида оғишмай интилишга ўрганган Кенжа Рўзматов жанг майдонларида ҳам ўзининг қаҳрамонона ҳаракатлари билан ажралиб турди. Аввалига ҳозирги Россия Федерациясининг турли ҳудудларида ёвни ер тишлатган бўкалик аскар, кейинчалик ўз қуролдош дўстлари билан Япония ва Жанубий Кореянинг турли шаҳарларида фашизмга қарши жанг қилди.

– Мен ғалабани Сеул шаҳрида кутиб олдим ва 1946 йилнинг ёзида уйга қайтдим, – дейди уруш фахрийси Кенжа бобо. – Қарийб уч йил давомида қон кечдик, жон бериб, жон олдик. Ана шу даврда мен тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик деган буюк неъматларнинг қадри нақадар баланд эканини ич-ичимдан тушуниб етдим.

Кенжа бобо шу гапни айтдию кўзини юмиб чуқур ўйга толди. Орага сукут инди. Биз бу ҳолатдан бир оз хижолат тортиб, нигоҳимизни отанинг ёнида ўтирган набираси Бекзодга тикдик.

– Бобом уруш йиллари ҳақида гапиришни ёқтирмайдилар, – дейди Бекзод. – Биз ҳам илгари болалик қилиб, жангу жадаллар ҳақида кўп савол берардик. "Қўй болам, сўрама, урушнинг номи ўчсин!" деб хомуш тортиб қолардилар. Қолаверса, бобом урушда икки акасидан айрилган. Уларни кўп эслаб, ҳаққига дуо қиладилар.

...Гарчи Иккинчи жаҳон уруши юртимизга бевосита дахл қилмаган бўлса-да, унинг вайронкор "шамоли" халқимиз ҳаётини анчагина издан чиқарди. Мард ўғлонларимиз дунёнинг турли мамлакатларида фашист-босқинчиларга қарши шиддатли жангларда қатнашди, фронт ортидаги хотин-қизлар, болалар, ҳатто кексалар ҳам туну кун тинимсиз меҳнат қилиб, буюк ғалабага улкан ҳисса қўшдилар.

Қирғинбарот жанглардан омон чиққан Кенжа Рўзматов уйига қайтгач, бор кучи, билими ва маҳоратини Бўкани обод қилишга қаратди. Бу ерда одамларнинг паришон рўзғорини тиклаш ва бунёдкорлик ишларида бош бўлди. Унинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида бир неча ижтимоий, иқтисодий объектлар барпо этилди, қишлоқ хўжалиги тармоқлари шакллантирилди.

Кенжа Рўзматов рафиқаси Холбуви ая билан бирга самарали меҳнат қилди. Бу оилада етти ўғил ва бир қиз вояга етди. Уларнинг бари олий маълумотли бўлди, жамиятнинг етакчи жабҳаларида ишлаб, юрт равнақи йўлида тер тўкмоқда. Бугун Кенжа бобо юз нафардан зиёд невара-чевcovаралар қуршовида кексалик гаштини сурмоқда, ҳамиша эътибор ва эҳтиромда.

Давоми 2-бетда



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

*"Ассалому алайкум, азиз Юртбошим! Бугун мен "ватанлик" бўлдим. Ҳозир қалбимни босиб келаётган фикрларни тўла айта олмасам, ифода қилолмасам керак. Яратганнинг марҳамати, Сизнинг халқпарвар сиёсатингиз туфайли бугун оилам билан янги уйга кўчиб ўтдик. Албатта, дунёда уйли-жойли бўлганлар, бундан беҳад мутаассир бўлиб, кўзига ёш олганлар кўп, лекин..."*

## МУЗАФФАРНИНГ ПРЕЗИДЕНТГА АЙТМОҚЧИ БЎЛГАН ГАПЛАРИ

...Бугун бахтдан масрур бўлаётган юртдошимиз Музаффар Ҳайдаровнинг қалб сўзларини кейинроққа қолдиришга ижозат бергайсиз, орада бошқа гапларни айтиб ўтмасак бўлмас...

Статистик маълумотларга қараганда, айни пайтда Ўзбекистон бўйича 600 минг нафар, Тошкент вилоятида эса 44 минг нафардан зиёд жисмоний имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган фуқаролар бор. Ўтган йили ана ўша фуқароларни узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларига давлат миқёсида эътибор қаратила бошланди. Айниқса, "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони бундай юртдошларимизга катта далда, мадад бўлди.

Хўш, ўтган вақт давомида нималар қилинди? Бу саъй-ҳаракатларнинг туб моҳиятида қандай мақсадлар бор?

Вилоятимиз мисолида айтсак, айни вақтда ногиронлиги бўлган, уй-жойга муҳтож 127 нафар фуқарога жорий йил якунига қадар уй қуриб бериш режалаштирилган. Фақат бугина эмас, мутасаддилар, камхарж оилаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бугун вилоятда истиқомат қилаётган ҳар бир камхарж оила ўз ортида давлат, Президент турганини ҳис қилиб яшаяпти.

Хитойликларда "Балиқни текинга бериб, муаммодан вақтинча қутулиш самарасиз, одамларга балиқ тутишни ўргатиш керак" деган принцип бор экан. Ислоҳотлар манзарасига эътибор қаратадиган бўлсак, камхарж оилалар, шунингдек, ўта оғир бўлмаган, меҳнат қилишга лаёқатли ногиронлиги бўлган юртдошларимизга ҳалол меҳнат қилиш, даромад топиш имконияти тақдим этилмоқда. Шу мақсадда, бугун вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида истиқомат қилаётган камхарж оилаларга илк бизнесни бошлаш учун сармоя (кредит шаклида), уй шароитида ишлаш учун соҳасидан келиб чиқиб, зарур асбоб-ускуна (лизинг шаклида, шароитидан келиб чиқиб, аксарият ҳолларда текинга) берилаяпти. Маблағ қаердан келаяпти, бу шариат аҳкомларига зид эмасми, бу пул ҳалолми ўзи дегувчиларга: маблағлар маҳаллий бюджет даромадларининг оттирилган қисмидан, содда айтганда, давлатнинг ҳамёнидан ажратилмоқда.

Дарвоқе, ким бу камхарж оилалар деганимиз? Камбағалларми? Йўқ ва яна йўқ...

"Камбағал" деган сўз қўпол ва ҳақоратлидек туюлади. Шуни мулоҳаза қилиб кўрарканмиз, бир пайтлар: "Мен ишчи-батрак фарзандиман, камбағалнинг боласиман", дея кўкрак керишлар олқишланган замонлар ёдга тушади. Бугунги одамларимиз камбағал деган сўздан ор-номус қилишининг ўзи замоннинг маромини, ҳаёт даражасини бир қадар ифодалайди, аслида. Совет тузуми бойларни йўқотишни шиор, дастак қилиб олган бўлса, бугунги Ўзбекистонимизга боқиб, камбағалликни, умуман олганда, қашшоқликни тугатишга ҳаракат қилинаётганини кўриш мумкин.

Давоми 2-бетда



### Мактабгача таълим

*Мактабгача таълим узлуксиз тизимнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. У ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Юртбошимиз ташаббуси билан мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарори билан жойларда нодавлат таълим муассасалари ташкил этилмоқда.*

## БАХТИЁР БОЛАЛИК ОШЁНИ

Шундай масканлардан бири Нурафшон шаҳри "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғинида фаолиятини бошлади. Боғчанинг очилишида шаҳар ҳокими, прокурори, солиқ қўмитаси ходимлари, мактабгача таълим бўлими мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

"Ширинтой-кичкинтой" номли хонадон-боғча 25 ўринга мўлжалланган бўлиб, у ерда 3-7 ёшли болажонлар тарбияланади. Муассасада ўзбек, рус ва инглиз тиллари мукаммал ўргатилади. Бундан ташқари, мусиқа, бадиий гимнастика, ўзбек жанг санъати, шахмат ва шашка бўйича машғулотлар олиб борилади.

– Президентимиз томонидан биз, тадбиркорларга хусусий боғчалар очишда етарлича шароит ва имтиёзлар яратиб берилди, – дейди муассаса раҳбари Зулхумор Насриддинова. – Бу имкониятларнинг самараси ўлароқ, ушбу маърифий маскан вужудга келди. Боғчамизни барпо этишда замонавий ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланганмиз. Ошхона, ётоқхона ва дарсхоналар керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Болалар майдончаси ва ундаги турли хил аттракционлар тарбияланувчиларга завқ улашади. Педагоглар дарсларни замонавий методлар асосида олиб боради.

"Маърифат" маҳалласида ушбу маскан фаолияти йўлга қўйилиши бу ерда яшовчи аҳолига қувонч улашди. Айтиш жоиз, ҳудудга яқин жойда мактабгача таълим муассасаси йўқ эди. Фарзандини боғчага бермоқчи бўлган ота-оналарга масофа узоқлиги учун қийинчиликлар юзага келарди. Эндиликда бу муаммога ечим топилди.

– Боғча ёшидаги болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётида алоҳида ўрин тутади, – дейди Нурафшон шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири Азиза Ўлмасова. – Қолаверса, бола боғчада ҳар жиҳатдан яхши ривожланади. Бугунги кунда шаҳримизда 12 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларда 1 минг 815 нафар бола тарбияланади. Тан олиш керак, кичкинтойларимизнинг ҳаммаси боғчага қамраб олинмаган. Шу боис, нодавлат мактабгача таълим муассасалари кўпайтирилмоқда. Мазкур янги боғчанинг очилиши бу борадаги амалий ишлар самарасидир. Жорий йил яна 8 та шундай масканни ишга тушириш режалаштирилган.



**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ – ЭЗГУЛИК ЗИЁСИ

*"Зангиота" меъморий мажмуаси яқинида туман ҳокимлиги ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси ҳамкорлигида "Аждодлар мероси" фольклор-этнографик фестивали ўтказилди.*

### Фестиваль

Унда вилоят, туман ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар вакиллари, сайёҳлар ҳам иштирок этиб, зангиоталикларнинг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаёти билан танишдилар.

Фестивални очиб берган туман ҳокими Абдиваҳоб Тамикаев ёшларнинг миллий ўзлигимизга, она Ватанга садоқат руҳида камолга етишларида фестивалнинг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тумандаги 13-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларидан Далер Ҳайитқуловнинг тахтага ўйиб ишлаган "Аёл" сурати, Гулшода Пирматова, Сирож Ҳайитқулов тўқиган гиламлари, шунингдек, 36-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Раъно Анварова, 9-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Нодира Турсунбоева ясаган миллий қўғирчоқ ва тақинчоқлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

"Қўнғироқчалар", "Шош наволари", "Тўрғай" фольклор-этнографик ансамбларининг чиқишлари тадбирга алоҳида файз бағишлади.

– Бугунги байрам шукуҳи барча иштирокчилар қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади, – дейди меҳнат фахрийси Ҳабибулла ота Ҳамидуллаев. – Фестивалнинг янгича йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари мени чуқур ҳаяжонга солди.

Тадбир якунида туманнинг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этаётганларга "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси ҳамда туман ҳокимлигининг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XXXI сессиясини чақириш тўғрисида

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XXXI сессияси 2018 йил 25 апрель куни соат 8.00 да чақирилсин.

**Вилоят ҳокими Ғ. ИБРАГИМОВ**

Нурафшон шаҳри
2018 йил, 12 апрель

## ЁНҒОҚ:

## СОҒЛИҚҚА ДАВО, САНОАТГА ХОМ АШЁ

*Хизмат сафари билан вилоятимизнинг Бўстонлиқ туманида бўлдик. Туманнинг мусаффо ҳавоси, гўзал, сўлим табиати кишини ўзига ром этади. Пурвиқор тоғлар этагидаги яшиллик эътиборимизни тортди. Билсак, у ёнғоқ плантацияси экан.*

### Қарор ва ижро

Шунда беихтиёр Президентимизнинг вилоятимиз фаоллари билан сайловолди учрашувидаги нутқи ёдга тушди. "Бўстонлиқ тумани экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, доривор ўсимликларни етиштириш бўйича беқиёс имкониятларга эга. Шунинг учун туманда 5 минг гектар тоғ олди майдонларда ёнғоқзорлар ташкил этилади..."

– Мамлакатимизнинг тупроқ ва иқлим шароити ёнғоқ етиштириш учун жуда қулай, – дейди "Boston Green Garden" фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Алимов. – Ёнғоқ намгарчилик билан бирга ёруғлик ва иссиқсевар дарахт. Шу нуқтаи назардан қараганда уни ёғингарчилик кўп бўладиган тоғли ҳудудларда экиш ҳар жиҳатдан яхши самара беради. 30 гектар ерда ёнғоқ плантациясини ташкил этган эдик, бу йил ниҳоллар нишона кўрсатди. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида плантациянинг 3 гектарига нўхат экилди.

Шуни айтиш керакки, Президентимизнинг "Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бир қатор қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Бўстонлиқда муайян ишлар қилинмоқда.

– Президент қарорининг қабул қилинишидан кўзланган мақсад лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорликни янада ошириш, ўз навбатида, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжи учун рақобатбардош ёнғоқ ишлаб чиқаришни таъминлашдир, – дейди Бўстонлиқ тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Хуршид Ҳайитов. – Шунингдек, қарорда хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш орқали замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш, ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш ҳам назарда тутилган.

Аслида ёнғоқ, табиатнинг бошқа неъматларидан озуқавий хусусиятлари ва юқори калорияга эга эканлиги билан ажралиб туради. Шифокорлар қувват кетмаслиги учун таомномадан гўшт, албатта, ўрин олиши кераклигини айтадилар. Шундай. Аммо, ёнғоқ қувватлилиги жиҳатидан мол гўштидан 7 баробар кучли экан. Бундан ташқари, ёнғоқ мағзида темир, фосфор, мис, серотин моддалари, оқсил ва углеводлар талайгина. Ёнғоқ дарахти 300-400 йилгача яшаб, ҳосил беради.

Давоми 2-бетда

# МУЗАФФАРНИНГ ПРЕЗИДЕНТГА АЙТМОҚЧИ БЎЛГАН ГАПЛАРИ

Бунда фарқ катта. "Одамлар аввал ақлий жиҳатдан табақаланади ва у мулкий табақаланишга олиб келади", дейди донолардан бири. Қашшоқлик бу – аввало фикрсизликдир. Ақлнинг дангасалиги чўнтакнинг "касал"лигида зуҳур топади.

Демоқчимизки, кейинги йилларда умумий ижтимоий кайфият, фикрлашиш тарзи мутлақо ўзгарди. Илгарилари олис-олис пурвиқор чўққиларда савлат тўкиб турадигандек туюладиган "давлат" ҳазратлари ана энди сифатли кўрсатув, таҳлилий мақола, кескин, танқидий фикрлар, очиқ минбарлар, Халқ қабулхонаси шаклида халқнинг уйига, қалбига кириб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугуннинг одамлари "Мен – камбағалман", дея очиқ айтишдан орият қиларлик даражага етди. Миллатнинг фикратида катта ўзгариш содир бўлгани мана шудир!..

Бошланиши 1-бетда





...Бўка тумани, "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини. Чошгоҳга бориб, бу ерга чор-атрофдан тумонат одам тўпланди. Уй-жойга муҳтож оилалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг 18 нафарига ҳовли-жойларнинг калитлари топширилди. Бу уйларнинг бошланғич бадали давлат томонидан тўлаб берилган. Қолган маблағлар эса...

Яна мақола аввалига қайтиб, Музаффарнинг қалб сўзини давом эттирамиз:

"... лекин мен ўзимга бунчалар ғамхўрлик кўрсатилади, деб кутмаган, ўйламаган эдим. Оилада уч ака-укамиз. Мен катта фарзандман. Тафсилотларини айтмай қўя қолай, хуллас, тақдир тақозоси билан бугун махсус аравачада ҳаракатланаман. 9 ва 11 яшарлик ўғилларим бор. Бугундан бошлаб уларнинг кўзига тик қарай оламан! Чунки, Ватан ичра ватанлик бўлдим! Мен ҳам жамиятимизнинг тўлақонли бир аъзоси эканимни ҳис қилдим. Бу ишонч ва эътибор, ғамхўрлик учун раҳмат сизга, азиз Юртбошим... Аёлимга тикув машинаси олдик. Қўли гул чевар. Елиб-югураётган вакилларингиз – вилоятдаги масъулларнинг ҳаракати билан уйда ўтириб, шу касб билан шуғулланишга шароит яратиб беришди. Буюртмалар асосида ишлаяпмиз. Уй олганим, остонаси тиллодан хонадоним бўлгани бир қувонч, ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиб, шунинг орқасидан эртанги кунимизни кўраётганимиз яна бир бахт... Мен Сизнинг бир фикрдош дўстингиз, садоқатли фарзандингиз бўлиб, Аллоҳ таоло берган имкониятимни ишга солиб, она Ватанимизни чаманистон қилишга камарбастаман..."

*Қолган гапларни ёзиб бўлмайди. Шунчаки, бунинг иложи йўқ. Музаффарнинг сўзларини ёзсак, кимдир ҳаддан зиёд бўрттиришга йўяди, кимдир эса каминани хушомадгўйликда айблайди. Аммо, росту ёлғон қалашиб кетган дунёи дуннинг олис бир манзилида бу каби тоза кўнгилга, самимий бир қалбга, юртим, дея жўшаётган асл туйғуларга рўбарў келганимни ҳеч қачон унутмайман...*

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Нозим ИСМОИЛОВ ва Мансур НАХАЛОВ олган суратлар*

# «ОЛОВЛАРДА ҚОЛГАН ЎН САККИЗ ЁШИМ...»

...Дарҳақиқат, халқимиз бугунги тинчлик, фараҳбахш кунларга етишимиз йўлида жон фидо қилган аждодларимиз, музаффар жангчиларимиз, фидойи меҳнаткашларимизни доимо қадрлаб келади. Хусусан, 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида юртимиз бўйлаб кенг нишонланади, Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнаткашларининг барига алоҳида эътибор кўрсатилади, улар шарафланади.

Бугун вилоятимизда 148 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронлари, 2500 нафардан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийлари умргузаронлик қилмоқда. Бу йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармонига асосан, уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 5 миллион сўмдан пул мукофотлари берилади. Бундан ташқари, вилоятимиз ҳокимлиги бунга қўшимча тарзда яна бир миллион сўмдан мукофот пули, турли ташкилот, корхона ва идоралар томонидан совға-саломлар, йўқловлар уюштирилади.

Айни пайтда "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас" ва "Мардлик, бурч ва садоқат" шиорлари остида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар, учрашувлар, кўргазмалар бошланди. Асосий байрам тадбирлари вилоят маркази Нурафшон шаҳрида ташкил этилади.

Шунингдек, ушбу байрам дастурлари доирасида бу йили уруш қатнашчиларидан йигирма етти нафарининг уйи бюджет ҳисобидан тўлиқ таъмирлаб берилади, уруш фахрийлари истиқомат қилаётган кўчалар ростланади, вафот этган жангчиларнинг қабрлари ободонлаштирилади.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги қарорига кўра, мустақиллик йилларида хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хотирасини абадийлаштириш учун учта ҳудудда хиёбон ташкил этилиб, марҳумлар шарафига мемориал ёдгорлик ўрнатилади. Бир сўз билан айтганда, 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунида ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

...Хусусан, Кенжа Рўзматов хонадонида ҳам бугун байрам шукуҳи ҳукмрон. Яқинда ҳам атрофдаги таълим муассасалари ўқувчилари, Ёшлар иттифоқи фаоллари Кенжа бобонинг дуосини олиб кетишди.

– Мен бундан етмиш йил олдин нима учун жанг қилганимни бугун тўлиқ ҳис қилаяпман, – дейди Кенжа бобо. – Биз озод ва обод Ватанда ўйнаб-кулиб, эмин-эркин камол топаётган бугунги бахтиёр авлод келажаги учун курашганимизга яна бир карра амин бўлаяпман. Зеро, тинчлик ва хотиржамлик энг буюк неъмат эканини уруш кўрган кишичалик биладиган одам йўқ.

Кенжа бобо: "Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий ва, албатта, фарзандларимиз бахтли бўлсин!" дея нурли юзига фотиҳа тортди.

Бошланиши 1-бетда

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Пилла – 2018

*Бўкаликлар ипак қурти боқиш бўйича вилоятда олдинги ўринларда туради. Ҳудуд пиллакорлари бу йил ҳам биринчилар сафида бўлиш ҳаракатидалар.*

# «КУМУШ ТОЛА»НИ «ОЛТИН ҚЎЛЛАР» ТАЙЁРЛАЙДИ

Туман ҳокимлиги мутасаддилари бу йил ишни мавсум бошланмасдан аввал, касаначи ва фермерлар билан суҳбатлашишдан бошлади. Семинар ва учрашувлар ташкил этиб, юз нафар илғор касаначига эсдалик совғалари тарқатилди.

– Тизимимиз корхоналари ва пиллакорларга Юртбошимизнинг тегишли қарорига асосан 2023 йил 1 январгача бир қатор имтиёзлар берилди, – дейди "Бўка агропилла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳакима Розиқова. – Хусусан, касаначиларнинг пилла мавсумида бажарган ишлари пенсия тайинланишида бир йиллик иш стажига тенглаштирилди. Тан олиш керак, авваллари пиллакорларга етарлича эътибор берилмаган. Натижада, уларнинг ипак қурти боқишга бўлган хоҳиши йўқолиб кетганди.

Маълумотларга кўра, айни кунда вилоятимиз бўйича 1 минг 285 қути ипак қурти боқилмоқда. Мавсум якунида 130 тонна "кумуш тола" йиғиб олиш режалаштирилган. Парваришланаётган пилла уруғларининг барчаси Хитойдан келтирилган бўлиб, 185 нафар касаначи, саккиз юз ўндан зиёд фермерга тақсимланди.

– Корхонамизда 17 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг 14 нафари агроном, – дейди "Бўка агропилла" масъул ходими Дилноза Исмоилова. – Улар ҳудудлардаги ипак қурти парваришини назорат қилиб боради. Шу кунларда уруғлар ҳар тўрт соатда озиқлантирилмоқда.

Маълумки, ипак қуртининг асосий озуқаси тут барги ҳисобланади. Шу сабабдан тутзорлар кенгайтирилмоқда. Мазкур корхона мутасаддилари ҳам бунга алоҳида эътибор қаратган. "Бўка агропилла"га тегишли 535 гектар тутзор мавжуд. Унинг 15 гектари бу йил ташкил қилиниб, 100 минг туп кўчат ўтқазилди.

Корхона раҳбарининг айтишича, келажакда замонавий технологиялар асосида яна ўнта қуртхона қуриш режалаштирилган.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# ОНА ЮРТНИНГ БАҒРИДАН ЗУВОЛАСИ...

*Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Бу ҳудудлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш билан бирга импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда.*

Тадбиркорликка кенг йўл

"Gazalkent Granit Invest" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти бунга мисол. Мана, саккиз йилдирки, ушбу корхона истеъмол бозорига кенг турдаги мармар ва гранит плиталарини етказиб бермоқда. Корхона асосий цехларининг Италия ва Хитойдан олиб келинган тошга ишлов берувчи илғор технологияли ускуналар билан жиҳозлангани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни юқори сифат билан тайёрлаш имконини бермоқда. Бу эса, ўз ўрнида, ушбу маҳсулотларга бўлган қизиқиш ва талабни йил сайин оширмоқда.

– Замонавий талаблар асосида фаолият юритаётган корхонамизда бугунги кунда маҳаллий хом ашё билан биргаликда Украина, Қозоғистон ҳамда Тожикистон республикалари конларида қазиб олинган мармар, гранит ва бошқа рангли тошлардан йигирмадан ортиқ турдаги плиталар, устунлар, ўриндиқлар, ёдгорликлар, брусчаткалар ҳамда бинасозликда фойдаланиладиган безакли тошлар ишлаб чиқарилмоқда, – дейди жамият раҳбари Зиёвиддин Содиқов. – Ўтган йили 5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични бир ярим баробарга оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Шу ўринда вилоятимизнинг "Қизил тоғ" ҳудудидаги конлардан қазиб олинган қора ва мовий рангли гранит тошларига корхонанинг тажрибали ходимлари томонидан ишлов берилган маҳсулотлар ўзининг табиий жилоси, дизайни, ис-



талган об-ҳаво шароитида сифатини барқарор сақлаши билан хорижликларни ҳам мафтун этиб келаётганини алоҳида айтиб ўтиш керак. Ҳозирги кунда улардан мамлакатимиздаги йирик қурилиш объектлари, жумладан, кўп қаватли уй-жойлар, ўқув юртлари, спорт мажмуалари, музей ҳамда меҳмонхоналарни безашда кенг фойдаланилмоқда.

Ишбилармон раҳбар таъкидлаганидек, бозорнинг талаби қаттиқ. Шунинг учун бугунги тадбиркор изланишдан тўхтамаслиги керак. Айни пайтда ички ва ташқи бозорни ўрганиш, талаб юқори бўлган маҳсулот турларини кўпайтириш, шунингдек, корхона фаолиятини кенгайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, энг муҳими, тайёр маҳсулотларни экспортга чиқаришни йўлга қўйиш устидаги изчил изланишлар давом этмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди.

Айни пайтда корхонада 30 нафар тажрибали оператор, фрезерчи, безак берувчи ва бошқа касб эгалари фаолият кўрсатмоқда. Корхона маъмурияти уларнинг меҳнатини қадрлаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ишчи-ходимлар бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланган.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат*

# КАСБ БАЙРАМЛАРИ

## *эътибор ва совғасиз ўтмайди*

*Ўрта Чирчиқ туманида Уй-жой коммунал хизмати ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда кенг жамоатчилик, вилоятда фаолият олиб бораётган соҳа вакиллари иштирок этди.*

– Президентимиз ташаббуси билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилгани соҳа ривожида янги босқични бошлаб берди, – дейди вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Анвар Хонтўраев. – Қисқа вақт ичида соҳани давлат томонидан бошқаришнинг ягона ва мақбул тизими шакллантирилди. Аҳолига замонавий ва сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кўп хонадонли уйларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти объектларини барпо этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли давлат дастурлари қабул қилиниб, режа асосида ижроси таъминланаётир. Бу борада вилоятимизда ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган вақт давомида Бекобод шаҳри аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 12 миллиард сўм маблағ ҳисобидан узунлиги 9,6 км., диаметри 800 мм. бўлган сув тармоғи ва насос станцияси қурилди.

Тадбирда фаол ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

**З. ҚАМБАРОВ**




## *Мутахассислар учун ўқув-семинар*

*Зангиотада маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимига тайинланган ходимлар учун семинар ташкил этилди.*

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, вилоят прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган семинарда юртимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлашда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни ҳақида маърузалар тингланди.

Эркин мулоқот шаклида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

## *Банкоматлар сони ошди*

*Бугунги кунда банклар томонидан фуқаролар ҳамда хорижлик меҳмонлар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида тўлов терминаллари ва банкоматлар тармоғи сонини ошириш, хизмат турларини кенгайтириш йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

Жорий йил апрель ойининг ўзида Олмалиқ шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган тижорат банклари томонидан аҳоли учун 4 та янги банкомат ўрнатилди. Шунингдек, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводлари ишчи-хизматчилари ҳам энди корхона қошида очилган банкоматлар ёрдамида кунига пластик карточкаларидаги 200 минг сўмгача маблағни нақд пул кўринишида ечиб олишлари мумкин.

**Юлдузхон ФАЗЛИЕВА тайёрлади.**

# ЁНҒОҚ: СОҒЛИҚҚА ДАВО, САНОАТГА ХОМ АШЁ

Қолаверса, ёнғоқ дарахтидан қимматбҳао саноат ёғочи олинади. Демак, у яхшигина даромад манбаи ҳамдир.

Ёнғоқнинг доривор хусусиятлари ҳақида гап кетганда, бобомиз Абу Али ибн Синонинг "Япроғи ва қобиғи буруштирувчи бўлиб, қон оқишига қарши фойдаси бор. Ёғи яраларга малҳам бўлади. Ёнғоқ мураббоси мижози совуқ меъда учун, буйракка ҳам фойдали", деган сўзларини эслаш ўринли.

Туманда ўтган йили режадаги 800 гектар ўрнига, 960 гектар майдонда ёнғоқ плантациялари ташкил этилди. Бу йил эса, 1 минг 200 гектар ерда ёнғоқни "Чандлер", "Идеал", "Бўстонлиқ-2" ва бошқа навлари экилиши режалаштирилган.

– Ёнғоқ плантацияларини ташкил этиб, улардан унумли фойдаланиш иқтисодий ўсишни таъминлайди, – дейди "Агро Мир" масъулияти чекланган жамияти бригадири Жасур Олимов. – Ўз навбатида, бу дастурхонларимиз тўкинлиги ва турмушимиз фаровон бўлишига замин яратади. Ўтган йили 90 гектар, бу йил эса 60 гектар майдонга ёнғоқнинг "Бўстонлиқ-2" навини экдик. Режаларимиз катта.

Бошланиши 1-бетда

Ёнғоқнинг фойдали ва доривор хусусиятлари ҳақида биламиз, лекин у ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, тоғларда сел келиши хавфи ва ер емирилишининг олдини олар экан. Ҳақиқатан ҳам, ёнғоқ кони фойда. Ёнғоқ дарахти 20-25 ёшидан бошлаб 250-300, ҳатто 500 килограммгача ҳосил бериши мумкин. Энди томорқасида 3-4 туп ёнғоғи борлар йилига қанча даромад олишини ўйлаб кўринг.

Дарвоқе, "Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорда ёнғоқ плантацияларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Уюшма таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан четдан олиб келинадиган томчилатиб суғориш ускуналари, махсус қишлоқ хўжалиги техникалари, ёнғоқ кўчатлари, пайвандтаглари, пайвандустлари, оналик материаллари, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат асосида, божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) 2020 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга озод этилиши қайд қилинган.



– Беқиёс имкониятларга эга, жаннатмонанд юртда яшаяпмиз, – деди фермер Ғайрат Алимов. – Қолаверса, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Юртбошимиз бор. Бизларга билдирилаётган ишончни оқлаб, эл корига яраб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшсак, деймиз.

Дарҳақиқат, вилоятимиз азалдан ўзининг қадимий деҳқончилик анъаналари, уста ва миришкор пахтакорлари, боғбону соҳибкорлари билан шуҳрат қозонган. Бинобарин, улар ёнғоқ етиштириш борасида ҳам улкан мактаб яратиб, катта ютуқларга эришишларига ишонамиз.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Д. АҲМЕДОВ олган сурат*

Соғинч

# ЮРАККА КЎМИЛАР АСЛ ШОИРЛАР



*У Ватанни ҳеч қандай иддаоларсиз, соф юрак билан, мисраларида ёзганидек, "Офтобдан ҳам ўзинг меҳри илиғимсан, Ватаним" ёхуд "Римни алишмасман бедапоянгга", дея алқаб севди.*

Қалам аҳли учун камёб ҳодиса ҳисобланган 44 ёшида "Ўзбекистон халқ шоири" унвонини олишдек шарафга эга бўлган сўз куйчиси Муҳаммад Юсуф шеърлари етиб бормаган юрак, китоблари кириб бормаган хонадон, у кишининг шеърлари асосида куйланган қўшиқларни тинглаб, сел бўлмаган кўнгил йўқ бўлса керак юртимизда. Шу боисдир, шоир хотираси ҳеч қачон унутилмас.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб "Улуғимсан, Ватаним" номли адабий-бадиий кеча, фото ва китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат вакиллари, шоирнинг оила аъзолари ва яқин дўстлари, ёшлар, умуман, адабиётга ошно инсонлар иштирок этган тадбирда сўз олганлар Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди. Кечада шоир шеърлари асосида қўшиқ қилинган тароналар янгради, гўзал шеърларидан намуналар ўқилди.

Ижоди айни гуллаган вақтда оламни тарк этган шоирнинг номи ҳамон қадрланмоқда, Муҳаммад Юсуф хотирасини абадийлаштириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Адиблар хиёбонида шоирнинг ҳайкали қад кўтаргани ҳам миллатнинг, халқнинг ижодкорга бўлган улкан меҳри ифодасидир.

**И. АҲАТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## МУНОЖОТ

*Умр нима? Умр аслида бир юмалоқ тугмача йўл,*
*Тугмадан сал каттароқ ё яна бир нимача йўл.*
*Бешигимнинг олдидан қабрим олдигача йўл,*
*Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур.*

*Бу узун ҳижрон йўлидир, бу узун азоб йўли,*
*Ҳар саҳар кулиб чиқиб, йиғлаб ботар офтоб йўли.*
*Ким учун гуноҳ йўлидир, ким учун савоб йўли,*
*Ҳарнадир, ҳар бирига ортимда иқрорим қолур.*

*Яхшилик муроди бор ҳар дилга мен жоним берай,*
*Яхшиларга қўлда бору йўғу имконим берай.*
*Кўнгли пок шогирдима булбул бу забоним берай,*
*Мен кетарман бир куни, зор йиғлабон торим қолур.*

*Мен кетарман, қолмагай тилла тахту кўшкларим,*
*Менга бу дунёда чин келтирди бахт қўшиқларим.*
*Ўзбегим уйида янграр ҳамма вақт қўшиқларим,*
*Ёд бўлиб айтганларим, элимда алёрим қолур.*

*Ол, дея бир кун эгам, осмонга учса руҳларим,*
*Бир ажиб мовий диёр бўйини қучса руҳларим –*
*Кўк менинг кўксим бўлур, юлдузлари андуҳларим,*
*Гул ўпиб, гул ёпиниб ҳар дилда мозорим қолур.*

*Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур.*

## ИҚРОР

*О, ота маконим.*
*Онажон ўлкам,*
*Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.*
*Сендай меҳрибон йўқ,*
*Сенингдек кўркам.*
*Римни алишмасман бедапоянгга.*

*Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,*
*Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.*
*Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,*
*Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.*

*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.*
*Ё худбинман мен ё бир содда касман мен –*
*Парижнинг энг гўзал ресторанларин,*
*Битта тандирингга алишмасман мен.*

*На гапга кўнайин,*
*На тил билайин,*
*Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат –*
*Уч кунда соғинсам нима қилайин,*
*Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.*

*Билдимки, баридан улуғим ўзинг,*
*Билдимки, яқини шу тупроқ менга.*
*Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг,*
*Араб оҳусидан азизроқ менга.*

*Сен билан ўтган ҳар кун байрам – базм,*
*Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.*
*Сени билганларга қиламан таъзим,*
*Сени билмасларга раҳмим келади.*

**Муҳаммад ЮСУФ**

Нуқтаи назар

*Бугунги кунда мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси, энг аввало, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, ҳалол ва соф виждон билан меҳнат қилишимизга, бошқача айтганда, маънавиятимизга боғлиқ.*

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИМИЗГА БОҒЛИҚ

Бинобарин, Президентимизнинг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарорида жамият ва оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, терроризм, диний-экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши кураш, эл-юрт тақдирига лоқайд бўлмаслик, ёшлар тарбиясидаги эътиборсизликка барҳам беришга катта эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳужжатда одамларда бунёдкорлик руҳи ва эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш, қолаверса, ёшларда китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш, уларда ғоявий ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни пайдо қилиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, аҳоли ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш масалаларига катта ўрин берилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда 1 минг 700 дан ортиқ турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, уларда 142 мингдан ортиқ аҳоли қатнашди. Шунингдек, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятига бағишланган 200 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

Маълумки, бугунги кунда жаҳон майдонида маънавий салоҳият, ақл-заковат мусобақаси ҳисобланган мафкуравий кураш етакчи ўринга чиққан. Буни бутун дунёда инсонларнинг қалби ва онгига ҳукмрон бўлиш учун кескин кураш бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳеч бир давлат, ҳеч қайси жамият бу жараёндан четда туролмаслиги айни ҳақиқат. Мамлакатимизга ҳам турли йўллар билан ҳар хил мафкуравий, ғоявий ахборот оқимлари кириб келиши табиий. Хилма-хил диний мазҳаблар, секталар фаолият юритишга уриниб, ўз таъсир доираларини кенгайтиришга, жамиятнинг мафкуравий мувозанатини бузиш, маънавий беқарорликни вужудга келтиришга уринишлари мумкин. Шундай мураккаб вазиятда давр ҳар биримиздан, бутун халқимиздан руҳан уйғоқ ва сергак бўлиш, зиммамизга юкланган масъулиятни теран ҳис қилиш, миллатимиз, халқимиз, Ватанимиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида фидокорона курашиш талаб этилади.

Бунда, албатта, бизга маънавиятимизни поклаб, руҳимизни уйғотадиган, бизни ҳар томонлама етук этиб тарбиялайдиган яқин дўстимиз – китобнинг роли беқиёс. Оҳангарон, Бўка, Зангиота, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Қибрай, Янгийўл, Бўстонлиқ туманлари ҳамда Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен ва Бекобод шаҳарлари ҳокимларининг Республика "Маънавият ва маърифат" маркази туман ва шаҳарлар бўлинма раҳбарлари билан биргаликда олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида аҳолининг барча қатламлари ва, айниқса, ёшлар орасида китобхонлик кўникмаси шаклланди.

Оҳангарон тумани ҳокими бошчилигида ўттиз тўрт миллион сўмлик бадиий, илмий-оммабоп ва маънавий-маърифий мавзулардаги китоблар ҳомийлик маблағлари асосида мактабгача таълим, умумтаълим ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига беғараз тарқатилиши ҳам туманда китобсеварлар кўпайишига туртки бўлди.

XXI аср – глобаллашув, ахборот-технологиялари асри, дейилмоқда. Жараёнларнинг тезлашуви дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар, янгиликлар ҳамда илм-фандаги ютуқларнинг ахборот-коммуникацион технологиялар орқали бир зумда бутун ер юзига ёйилишига олиб келди. Бу эса катта ҳажмдаги "ахборот босими" остида яшаётган ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнларини қийинлаштираётгани бор гап. Чунки, тарқатилаётган ахборотларнинг барчаси ҳам фойдали, ёш авлод онги ва тафаккурини ўстиришга хизмат қилмайди. Ҳамма гап ана шунда. Шу сабабли ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, маънавий-ахлоқий дунёқараши шаклланмаган баъзи ёшларда руҳий зўриқиш, тушкунлик, худбинлик, бепарволик, лоқайдлик, ахборот хуружлари таъсирига тушиб қолиш кабилар кузатилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни турли хавфли ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш вазифаси давлат сиёсати даражасидаги масалага айланган. Ушбу сиёсат халқимизнинг кўп асрлик миллий ғурур, Ватанга садоқат, ор-номус, меҳр-оқибат, шарм-ҳаё, инсонпарварлик каби қадриятларини ёш авлод онги ва қалбига сингдириш, мафкуравий таҳдидлар ва ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилгани билан ҳам эътиборга моликдир.

**Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими бош мутахассиси**

Бизга ёзадилар

*Машкура Абдуғаппоровани Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида тажрибали устоз, моҳир педагог сифатида ардоқлашади, ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, тиниб-тинчимас, изланувчан мураббий ўзининг ҳалол меҳнати, янгиликка интилувчанлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортганлиги бор гап.*

# ЛИБОСЛАРГА ЖИЛО БАХШ ЭТИБ...

Машкура опа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тикувчилик технологияси йўналиши бўйича мутахассисликка эга бўлгач, ўзининг қадрдон Бўкаси томон ошиқди. Чунки, унинг қалбида эгаллаган билимларини ёшларга етказиш, тикувчилик соҳаси бўйича нималарнидир яратиш истаги кучли эди. Ана шундай иштиёқ билан бир оз муддат "Юлдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бўка филиалида уста, технолог бўлиб ишлади, мактабда тикувчилик тўгарагини ташкил этди.

Айтиш лозимки, унинг истеъдоди қирралари Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига ишга келганидан сўнг яққол намоён бўлди. Ишлаб чиқариш таълими устаси сифатида иш бошлаган Машкура опа жамоага тез киришиб кетди. Тикувчиликка оид янги ғоя ва ташаббуслари кенг қулоч ёйди.

Дарвоқе, коллежда унинг ташаббуси билан яхши бир анъана йўлга қўйилган. Бир неча йиллардан буён "Либослар намойиши" ўтказиб келинади.

Ушбу йўналиш бўйича вилоят ўқув-семинари ҳам айнан шу ерда ташкил этилади. Мазкур семинарларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мутахассисларининг ҳам доимий қатнашиб келаётганлиги эътиборлидир. Ҳамкорликда иш олиб борилиб, биргаликда услубий қўлланмалар яратилмоқда.

Машкура опанинг "Эркаклар шимини моделлаштириш", "Тикувчилик жиҳозлари ва ускуналаридан фойдаланиш" номли услубий қўлланмалари чоп этилган.

Ўтган йил, айниқса, унинг фаолиятида сезиларли из қолдирди. Дастлаб, Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган касблар фестивалида унинг шогирдлари тиккан миллий либослар муваффақиятли намойиш этилиб, махсус номинация ғолиблигига лойиқ топилди. Қибрайдаги "Дўрмон" маданият саройида ўтказилган Август конференциясида эса мураббий "Йилнинг энг яхши ишлаб чиқариш таълими устаси" дея эътироф этилди.

– 2018 йилнинг Президентимиз томонидан "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилингани бизни янада ғайрат билан ишлашга даъват этди, – дейди Машкура Абдуғаппорова. – Эндиликда биз кўрик-танлов ва фестивалларга жиддий тайёрланмоқдамиз. Мақсадимиз тикувчилик соҳасидаги янгиликларни ҳаётга кенг татбиқ этишдир.

Дарҳақиқат, куни кеча коллежда ўқув амалиётларида хом ашёдан фойдаланишнинг инновацион ғоялари асосида "Миллий матоларда либослар жилоси" мавзуида ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси мутасаддилари, вилоят касб-ҳунар коллежларидан ташриф буюрган вакиллар фаол иштирок этишди, очиқ дарсларни кузатишди.

Ушбу тадбирда Машкура Абдуғаппорованинг ташаббуси билан ташкил этилган миллий либослар намойиши кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

Маърифий кеча

*Юқори Чирчиқ туманидаги вилоят эндокринология диспансерида 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни олдидан "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас", "Мардлик, бурч ва садоқат" мавзуларида маърифий кеча ташкил этилди.*

# ТИНЧЛИК САБОҒИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Халқ демократик партияси Юқори Чирчиқ тумани кенгаши ва бир қатор ҳамкор муассасалар кўмагида ташкил этилган тадбирда вилоят эндокринология диспансери шифокор ва ҳамширалари, маҳаллий кенгаш депутатлари, фаол ёшлар қатнашдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қобилбек Каримбеков ва бошқалар мамлакатимизда бир неча йилдирки, Хотира ва Қадрлаш куни муносиб нишонланаётгани, сана муносабати билан ўтказилаётган маросимларда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси ёд этилиб, Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани таҳсинга лойиқ эканини таъкидладилар.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжатларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 миллион сўм миқдорида бир йўла пул мукофоти белгиланиши ҳамда фахрийларнинг истаклари асосида санаторийларга йўлланмалар берилиши яна бир катта эътибор ва ғамхўрлик намунаси бўлди.

Тадбирда вилоят эндокринология диспансери бош шифокори Мунира Каримова, маҳаллий кенгаш депутатлари Маннон Турдибеков, Мирали Обидов сўзга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорликлар, аҳоли учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

**Латифжон МАНСУРОВ**

Саломат бўлинг

*Юқумли касалликлар орасида безгак дунёнинг юздан ортиқ иссиқ ва илиқ иқлимли мамлакатларида қайд этилган. Статистик маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 300 миллиондан ортиқ одам ушбу хасталикка чалиниб, уларнинг 1 миллиони ҳаётдан бевақт кўз юмар экан.*



# ТОЗАЛИК БОР ЖОЙДА ХАСТАЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

У иситма хуружлари, камқонлик, талоқ ва жигарнинг катталашуви билан кечади. Касаллик бемордан соғлом одамга Анофелес авлодига мансуб чивинларнинг чақиши орқали ўтади. Бундай чивинларни "безгак чивини", деб ҳам атайдилар. Бундан ташқари, безгак касаллиги шприц ва гемотранфузияда ҳамда плацента орқали онадан болага ўтиши мумкин.

Анофелес чивинлари одамни сув ва ҳавода чақиши мумкин. Айтиш кераккки, чивинларнинг фақат урғочиларигина ўзидан насл қолдириш учун қон билан озиқланади. Улар кечки ва тунги пайтларда одамларга ҳужум қилади.

Безгак касаллигини аҳоли ўртасида тарқалишининг олдини олиш учун, аввало, тозаликка риоя қилиш лозим. Агар чивинлар туриб қолган сувларга тухум қўйиб кўпайишини эътиборга олсак, ёмғирдан кейинги кўлмак сувларни қуритиш, ариқ-зовурлардаги сувларнинг тез оқишини таъминлаш, шу билан бирга уларни чиқинди, қамиш ва бегона ўтлардан доимий тозалаш керак. Дарвоқе, хонадонларда сақланадиган ичимлик сувининг устини ёпиш, чивин кирмаслиги учун дераза ва эшикларга ҳимоя пардалари тутиш даркор. Республикамизда, хусусан, вилоятимизда безгак хасталиги бартараф этилган бўлса-да, ушбу касалликнинг турли йўллар билан юртимизга кириб келиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Унутманг, тана ҳарорати кўтарилганда, жигар ва талоқ катталашганда ёки безгак касаллигининг юқоридаги аломатлари сезилса, дарҳол тиббиёт масканига мурожаат қилиш лозим.

**Азиза ИБРАГИМОВА,**
**вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази паразитология бўлими мудири**


Ижтимоий эълон

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-K shakli (Ташкилот фаолияти тўғрисидаги) ҳисоботини ҳар ойнинг 2-санасидан кечиктирмасдан (Тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирма ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ташқари), уларнинг алоҳида бўлинмалари ва нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича)) eStat 2.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб-сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2018 йил давомида юқоридаги давлат статистика ҳисоботини ойма-ой тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг www.toshvilstat.uz расмий веб сайтига жойлаштирилган.

***Тошкент вилояти статистика бошқармаси.***


Оққўрғон туманидаги 5-сонли мактаб томонидан 2008 йилда Холтўраев Низомиддин Хўрозович номига берилган O'R-Sh № 0915982 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

*Хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, оилада, жамиятда муносиб ўринга эга бўлиши учун зарур шарт-шароит, кенг имкониятлар яратилаётган мамлакатимиз аёллари ҳар жабҳада фаоллик кўрсатиб, жамият тараққиёти йўлида камарбаста бўлишмоқда. Вилоятимизда ўз хонадонининг файзи, чироғи, жамиятнинг гули, таянчи бўлган мунис ва фидойи аёлларимиз кўп. Таҳририятимиз уларнинг самимий дил изҳорлари, орзу-умидлари акс этган лавҳаларни кенг ёритишда давом этади. Навбатдаги саҳифамиз Оққўрғоннинг оққўнгил хотин-қизлари ҳаёти ҳақида бир қадар нурли тасаввурлар уйғотади, деган умиддамиз.*



## «ФАРЗАНДИМ, ШАКАР-ҚАНДИМ...»

*Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани яхши маълум. Хусусан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича Юртбошимиз кўрсатмалари асосида кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

Яқинда капитал таъмирланиб, барча замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган туғруқхона мажмуаси туманимиз аҳолисини жуда қувонтирди. Айниқса, 2017 йилда дунёга келган 1 минг 788 та тўрт мучаси соғ чақалоқ ўз оиласи, ота-онасига бахт ато этди. Зеро, соғлом зурриёт – оила қувончи, жамиятнинг эртанги куни, келажаги. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашга доир фармонида оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсмир қизлар ва фертиль ёшидаги аёллар учун "Аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш масаласига алоҳида урғу берилган. Яқинда ўз фаолиятини бошлаган "Аёллар маслаҳатхонаси"да хотин-қизларимиз ҳар томонлама пухта текширилиб, зарур муолажалар олишлари учун малакали мутахассислар хизмат кўрсатмоқда. 56 ўринли акушерлик комплексида эса ёш оналар ва ҳомиладорлар 200 га яқин тиббиёт ходимлари назоратида.

*Эътибор*

Шу кунларда давом этаётган "Соғлом аёл" ойлигида туғуруқ ёшидаги аёллар тўлиқ кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўтказилаётган скрининг текшируви натижасида кўпгина нохуш ҳолатларнинг олди олинмоқда. Ирсий касалликлар аниқланса, шунга қараб даволанишади. Қувонарлиси, ўтган йилда, бу йилнинг биринчи чорагида ҳам оналар ўлими кузатилмади. Демак, шифокорларимизнинг, тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати, ўз бурчига масъулияти талаб даражасида. Тилагимиз – бундан буён ҳам муассасамиз остонасидан соғлом зурриётини бағрига босиб, биздан миннатдор бўлиб чиқиб кетаётган бахтиёр оналаримиз кўпаяверсин.

**Дилором ТАСТАНОВА,**
**туман тиббиёт бирлашмаси бош акушер-гинекологи**

## ОҚҚЎРҒОНИМ, ОЙДИН ЙЎЛИМ

*Туманимиздаги 102 минг аҳолининг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун, аввало, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, уларнинг бандлигини таъминлашимиз керак.*

Бу борада муҳтарам Президентимизнинг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитасининг бу тарихий ҳужжат асосидаги қарор ва кўрсатмалари бўйича тузилган режаларимиз изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда бизга Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати қўл келаётганини ҳам таъкидламоқчимиз. Хотин-қизлар қўмиталари ва "Оила" маркази вакилларини вазифалари ва фаолият йўналишларига боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва тадбирлардан озод этилиши ўз бурчимизни янада масъулият билан бажаришга ундаяпти. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш идоралари туман кенгаши билан ҳамкорликдаги ишларимиз самарасида кўпгина муаммолар ҳал этилмоқда.

Айниқса, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан якка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, манзилли қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз кўлами кенгайиб бормоқда.

*Изҳор*

Ҳозирги кунда аниқланган 50 нафар турмуши қийин, ногиронлиги бор аёлларнинг 30 нафари иш билан таъминланди. Ҳақиқатан ҳам, иложсиз нарсанинг ўзи йўқ экан. Буни яқиндагина ташкил этилган "Гўзаллик жилоси" тикув цехида ишлаётган хотин-қизлар чеҳрасидаги ёруғлик, кўзларидаги қувонч, миннатдорлик туйғуларидан ҳам сезиш, ҳис этиш қийин эмас.

Аслида, туманимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ўрни бўлган, тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз кўп. Улар ўз соҳасининг фидойилари, касбининг билимдонлари сифатида ҳурматга сазовор.

**Гулнора АБДУНАЗИМОВА,**
**туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси**



Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# АЁЛ ОЛАМИ

*Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси*

## ЮЗИДА ҚУЁШ КУЛГАН БОЛАЖОНЛАРИМ

*Туманимизда 12 та мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб боради. Уларнинг деярли барчасида муҳтарам Президентимизнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида тизимли ишлар олиб борилмоқда.*



Бизнинг 17-мактабгача таълим муассасамиз 280 ўринга мўлжалланган. Бу даргоҳда фаолият олиб бораётганимга 15 йил бўлди. Давлатимиз раҳбари мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, бу масканда болажон халқимизнинг жон риштаси, жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги куни, келажаги тарбия топади, ҳар томонлама шаклланади.

Тарбиячиларнинг олий маълумотли бўлиши ҳам ниҳоятда муҳим жиҳат. Ҳар томонлама етук мураббийгина болаларга ҳақиқий оналик, устозлик меҳрини, билимини бера олади.

Болажонлар парвариши ишончли қўлларда. Вақтида овқатланиб, вақтида дам олишади, турли машғулотлар билан банд бўлишади. Самимий меҳр-муҳаббат мурғак қалбларга эзгулик бахш этади, улар боғча опаларига ота-онасига талпингандек интилади. Тарбиячи учун бундан ортиқ бахт борми?!

Давлатимиз раҳбарининг тавсиялари билан ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳларимиздаги ўқув машғулотларига ҳам уйда тарбияланаётган болалар бажонидил қатнашишади, мактабга боргунларига қадар ўқиш, ёзишни ўрганиб олишади. Уларнинг атроф-муҳитга, табиатга меҳрини шакллантириш, чет тилларни ўрганишга қизиқишини орттириш учун тарбиячиларимиз доимий изланиш, интилишда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, Жанубий кореяликларнинг тажрибасини ўрганиш, фойдаланиш имконияти яратилгани ишимизда ҳар жиҳатдан қўл келмоқда.

**Дилфуза СУЛАЙМОНОВА,**
**17-мактабгача таълим муассасаси раҳбари, олий тоифали педагог**

*Имконият*

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ...

*...Мени газитга ёзаман, деб келганингиздан жуда хурсандман. Хуш келибсизлар. Фақат қаттиқ-қаттиқ гапираверинглар, қулоғим оғирроқ. Тўқсон бешга чиқишнинг ўзи бўладими?*



Барака топгур Зарифа келиним менинг кўз-қулоғим. Омон бўлсин. 27 йилдан буён хизматимда. Тўрт келин, бешта куёв кўрдим. Келинларим ҳаммаси яхшию, лекин кенжам Зарифахонни "тилла келиним" дейман. Мени деб ишга бормай, уйда қолди. Болаларига қўшиб мени ҳам парвариш қилиб келаяпти. Илоҳим кам бўлмасин, ниятларига етиб юрсин.

Фарзандларим ҳаммаси ўқимишли, ақл-ҳушли. Буларни дадалари ҳам яхши инсон бўлган-да, 20 йил "колхоз"-да раислик қилган. Аммо, афсус, эрта кетиб қолди. Ўтганларига ҳам 47 йил бўлди. Тўққиз фарзанд билан ёлғиз қолганимда бошимдан нелар ўтмаган, дейсиз?! Лекин, чидадим. Туну кун меҳнат қилдим. "Меҳнатнинг таги роҳат", деганлари шу, аслида. Қариганда хор бўлмай, ўғил-қиз, невара-чеваралар ардоғида яшаб келаяпман. Шунисига беҳисоб шукр.

Яна бир гап, болажонларим! Бугунги дориламон кунларнинг қадрига етинг. Дунёда тинчлик, осойишталикдан ортиқ неъмат йўқ. Замон тўқчилик. Бир бурда нонга зор бўлган вақтларни ҳам кўрганмиз. Лекин, оилага, аёллик, оналик шаънига хиёнат қилмадик.

Ҳозирги, ёшларга ҳамма нарса муҳайё. Фақат, қалбингиз эзгуликка эш бўлсин. Ўтирган жойингиз, яшайдиган уйингиз тоза-озода, саранжом-саришта, хонадонингиз обод бўлсин. Айниқса, ерга меҳр беринг, боғ яратинг – ризқингиз улуғ бўлади, табиатни, одамларни севинг – умрингиз узун бўлади. Ҳовлингиздан гулу райҳон иси таралиб турсин. Шунда юзингиз ёруғ, кўнглингиз равшан бўлади. Одамларнинг меҳрини қозонасиз.

*Уққанга балли!*

Дарвоқе, юзи гул, сочи сунбул қизларим, чеҳрангизни ёйиқ сочларингиз билан тўсиб, ўтган-кетганнинг ғашига тегманг. Ўта очиқ-сочиқ кийиниш ҳам соғлиққа зарар, тор-тангкис либос эса беҳаёликка йўл очади, қолаверса, бу тоифа қизларнинг оиласига, жамиятга ҳам меҳр-оқибати бўлмайди, худбинлик юрагини тошга айлантиради. Сўзларимни юрагингизга яқин олманг. Ниятим – сизларни бахтли-саодатли кўриш.

Сиз нафақат оилангиз, балки жамиятнинг, Ватанингизнинг юзисиз. Бу юзларга асло ғубор қўнмасин!

**Файзи момо ОМОНОВА**
*"Қўрғонча" маҳалласи*

## ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШ, КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН ИШ БОШЛАДИК

*Туманимизда 29 та маҳалла бор. Табиийки, ҳар бир маҳаллани бошқариш учун катта тажриба, чуқур билим, салоҳият зарур.*

Маҳаллалар осойишталиги оилалардаги барқарорлик, соғлом муҳитга боғлиқ. Президентимизнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашга доир фармонларида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ўрнига "хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис" лавозимининг жорий этилиши фаолиятимизга янгича йўналиш, изчиллик ва самарадорлик бахш этмоқда. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси саъй-ҳаракати билан янги таъмирдан чиқарилган идорамизда барча зарур шароитлар муҳайё қилинди.

Фармон асосида 20 та маҳалла маслаҳатчилари ўрнига етарли билимга, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган олий маълумотли мутахассислар тайинланди.

**Олия АБДУЛАҲАТОВА,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туман кенгаши раисининг диний-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

## «ҚЎРҒОНТЕПА»ДА АЖРИМ ЙЎҚ!

*Маҳалламизда 3006 нафар аҳоли истиқомат қилади. 506 хонадон, 627 оила бор. Улардан 1 минг 354 нафари аёллардир. Асосан, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланишади.*

*Ибрат*



Тадбиркорлик билан банд аҳоли 245 нафарни, бошқа соҳаларда фаолият юритувчилар 206 нафарни ташкил этади, 124 оила ўз бизнесига эга.

Энг муҳими, маҳалламизда ўтган йили ҳам, бу йил ҳам ажримлар кузатилмади. Оилалар барқарор бўлса, жиноятчилик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, аслида. Кўп миллатли маҳалламизнинг ҳар бир аъзоси жамоат ишларида фаол. Боиси, уларда масъулият, жавобгарлик ҳисси бор. Шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда фаолият олиб боришимиз муаммоларни вақтида, тезкорлик билан ҳал этишимизда катта имконият ятаяпти.

**Равшангул ТУНГАТАРОВА,**
**"Қўрғонтепа" МФЙ хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси**

## ОТА КАСБИ — БАРАКА АСЛИ



Оиламизда тўрт қиз, икки ўғилнинг кенжасиман. Болалигимдан туманимиздагилар ҳурмат билан "Малик фермер" дея атайдиган отажоним, катта ҳовлининг юмушларини оғринмай бажарадиган онажоним Замира Каримованинг меҳнатсеварлиги, ғайрат-шижоатига ҳайрату ҳавас билан ўсиб-улғайдим. Фермерлик ҳақида гапирсам, устозим, отам Малик Каримовнинг тадбиркор сифатидаги бемисл ғайрати кўз олдимда туради. Ишонсангиз, мана шу каттагина ҳовлимиз илгари ҳар хил чиқиндилар, тошлар қалашиб ётган ташландиқ жой бўлган.

*Қишлоқ мулкдорлари*

13 сотихли томорқамизда етиштирилаётган мева, полиз экинларию, узумзорлар ёз чиқмай ҳосилга киради. Мана бу гуллаб турган узумлар май ойидаёқ пишиб етилади. Токлар орасига экилган саримсоқпиёзлар ҳам "бизни йиғиб ол", деб турибди...

"Қимирлаган қир ошар", "Ҳаракатдан баракат", дея ботбот такрорлайдиган отамнинг бедор тунларига кўп гувоҳ бўлганман. Акс ҳолда мол-ҳол, паррандаю, қуёнларни парваришлашга улгуришнинг ўзи бўлмайди.

Томорқамиз ўз йўлигаю, фермер хўжалигимизнинг 110 гектар ерида етиштириладиган пахта, ғалла, мевазор боғ ҳосили ҳар йили ортиғи билан бажарилади. Ҳар мавсумда бир тоннадан ортиқ пилла топширамиз. Шундай катта хўжаликни менга ишониб топширишганида юрагимни бир оз ҳадик эгаллагани ҳам бор гап. Лекин фермерлик қозонида ўн беш йилдан буён "қайнаб" келдим. Хўжалигимиздаги мавжуд техникалар: трактор, комбайн, тиркамалар, автоуловларни бошқаришни ўргандим. Зарур бўлганда бемалол ҳайдаб кетавераман...

Ака-опаларим ҳам мени қўллаяпти. Қолаверса, яқинда Ёшлар иттифоқи томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган 100 миллион сўмлик кредитни қўлга киритдим. Бу маблағга Самарқанддан зотли товуқларни келтириб, паррандачилик фермасини ҳам ташкил этмоқчиман. Мақсадим, юртимизда хотин-қизларга, тадбиркорларга берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, бандлик масаласига, халқимизнинг фаровон, тўкин-сочин турмушига ўз ҳиссамни қўшиш. Қолаверса, келгусида сархил мевалар экспортини йўлга қўйиб, Ўзбекистонимиз довруғини янада оширишга ҳаракат қилмоқчиман. Ҳозирги кунда 25 нафар доимий, 100 нафар мавсумий ишчининг бандлигини таъминлаганмиз. Хўжалигимизда иш қизғин давом этаяпти: ҳадемай пилла, кейин ғалла йиғими...

Меҳнатсеварлик, иштиёқ бор экан, отам ибрати ва дуолари ёр экан, хўжалигимиз тегирмони тўхтамайди...

**Покиза КАРИМОВА,**
**"Покиза" фермер хўжалиги раҳбари**

## ЭНДИ МЕНИНГ ҲАМ ЎЗ ЖАМОАМ, ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИМ БОР

*Тақдир ёзуғи одамни не кўйларга солмайди, дейсиз. Ногиронлиги бор шахсларнинг оилада, жамиятда ўз ўрнини топиши осон эмас. Шукрки, Юртбошимиз энг аввал имконияти чекланганларга эътибор қаратди, меҳр-оқибат кўрсатди.*

Одамнинг ишонгиси келмайди. Замонавий тикув машиналари, юмшоқ мебеллар, мўъжазгина ошхонаси бор янги таъмирдан чиққан цех иккинчи уйимизга айланди. Бу ерда бир оила, бир жамоа бўлиб 27 киши меҳнат қилаяпмиз.

*Инсон азиз*

Яна уч нафаримиз уйида тикади. Бунинг учун вилоят, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Пахтасаноат" уюшмасидан миннатдормиз.

Ҳозир пахтакорлар учун фартук, қоп-қанорлар тикаяпмиз. Аста-аста корхоналарга иш кийимларини ҳам тикишни йўлга қўямиз. Муҳими, цех аъзоларига қатъий иш соати, норма қўйилмаган. Лекин, тикувчиларимиз иш жойига тезроқ келишга, режаларини ортиғи билан бажаришга интилишади. "Биз энди бир оила, бир жамоамиз", дея тез-тез такрорлашади.

Шундай кезларда қалбимизни шукроналик ҳисси қамраб олади. Яқинда бизни Самарқандга саёҳатга олиб боришмоқчи. Бундан тикувчиларимизнинг боши осмонда. Илоҳим юртимиз бундан-да обод, турмушимиз фаровон бўлаверсин. Давлатимиз раҳбарига куч-қувват берсин!

**Нодира ҚОСИМОВА,**
**"Гўзаллик жилоси" тикув цехи раҳбари**



*Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари Сайёра РИХСИЕВА ва Мансур ҲИММАТОВ (суратлар) тайёрлашди.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
14 674 нусхада чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-1496. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.50.